

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Тожалиев</b>	
Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида мұхим омил .....	66
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>Н.Каримов</b>	
Исҳоқон Ибрат: янги маълумотлар.....	69
<b>Ҳ.Худоймуродова</b>	
“Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти”да биографик метод.....	74
<b>О.Абобакирова</b>	
Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услугубий хусусиятлари .....	77
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>М.Ҳакимов, М.Фозиева</b>	
Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
<b>Р.Шукров, Г.Жўрабоева</b>	
Исҳоқон Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили .....	87
<b>О.Бегимов</b>	
Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир .....	92
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Л.Ахмедова</b>	
Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш .....	96
<b>Ж.Жалолов</b>	
Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>А. Ўринов, Г.Собиржонова</b>	
Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
<b>Д.Орипов</b>	
Каср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида .....	108
<b>Н.Тўхтасинова</b>	
Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари .....	111
<b>Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова</b>	
Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айrim масалалари .....	113
<b>М.Усманов</b>	
Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
<b>М. Раджабова</b>	
Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар) .....	118
<b>Б.Бахриддинова</b>	
Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар .....	121
<b>З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева</b>	
Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили .....	124
<b>И.Хожалиев, И.Аҳмаджонов</b>	
Термин ва талқин муаммосига доир .....	127
<b>Б.Қурбонова, З.Каримова</b>	
Ўзбек ва қыргиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши .....	130
<b>Г.Икромова</b>	
Шароф Бошбеков драмаларининг айrim фонетик хусусиятлари .....	132
<b>ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ</b>	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси .....	135
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	137

УДК: 8-1/-9+8-31

**“РЎЗИ ЧОРИЕВНИНГ СҮНГГИ ВАСИЯТИ”ДА БИОГРАФИК МЕТОД****Ҳ.Худоймуродова****Аннотация**

Мақолада ёзувчи Нодир Норматовнинг “Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти” романни таҳлилга тортилган. Унда роман-эссе даги биографик метод масаласи ёритилган.

**Аннотация**

В статье анализируется роман “Последнее завещание Рузы Чарыева”. В нем раскрыта проблема биографического метода в романе-эссе.

**Annotation**

In this article the novel of Nodir Normatov "Ruzi Choriev's last will" are analysed. In this novel -essay the problems of biographical method has been revealed.

**Таянч сўз ва иборалар:** роман, биографик метод, эссе, қаҳрамон, хотира.

**Ключевые слова и выражения:** роман, биографический метод, эссе, герой, память.

**Key words and expressions:** novel, biographical method, essay, hero, memory.

Жаҳон адабиётида биографик метод асосида яратилган асарлар талайгина. Француз ижодкорлари Сент Бёв ва Андрэ Моруа кабилар бу жанрда дастлабки ижод намуналарини битиб, шуҳрат қозонганд. Айнан Сент Бёв адабиётшуносликтаги биографик методнинг илмий-назарий асосчиларидан ҳисобланади. Бу методни, Баҳодир Карим таъкидлаганидек, “таржимаи ҳолдан иборат деб содда тушунмаслик керак. Зотан, биографик метод ижодкор таржимаи ҳолининг оддий хронологик тавсиф ва таснифи эмас; ёзувчининг туғилган йили, яшаган жойи ёки муҳити, асарларининг ёзилган йили ва, ниҳоят, ижодкорнинг вафот этган йили – буларнинг бари биографик маълумотлар ҳисобланади”[1,166].

Биографик метод нима? Бу саволга жавоб топиш учун яна Б.Каримга мурожаат қиласиз: “Биографик метод эса ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигига асосланади. Ижодкорнинг шахсий ҳаётига, яшаган муҳитига, руҳий-психологик ҳолатига, шахсий қизиқишларига, асарни ёзишига туртки берган илҳом факторларига, ижодкор лабораториясига ва шу каби қатор тарихий-индивидуал масалаларга жиддий эътибор беради”[1,166].

Биографик методга оид асар қисса, роман, тарихий ёки бошқа кўринишларда бўлиши мумкин. Автобиографик асарлар ҳам айни шу методга таянади. Масалан, А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар”и, Ойбекнинг “Болалик” асари ва бошқалар.

Биографик асарда ҳужжатлилик, ҳаққонийлик ва холислик етакчи

ҳисобланади. Унинг марказида инсон ва унинг ҳаёти туради. Одатда биографик асар қаҳрамони машхур шахс ҳисобланади. Агар асар қаҳрамони таниш, замондош бўлса, муаллиф учун қийинчиллик туғилмайди. Муаллиф учун қаҳрамонига тегишли ҳар бир деталь муҳим. Масалан, асар қаҳрамонининг мактуб, хотира, кундалик, буюмлари ва бошқалар.

Биографик асар муаллифидан, энг аввало, синчковлик, маълумотларни соҳталаштиришга йўл қўймаслик, холислик талаб қилинади. Ирвинг Стоуннинг мана бу фикрлари биографик қисса ҳақида бўлса ҳам, у барча биографик асарлар учун тўла мос келади: “Биографик қиссанинг муаллифи бир одам ёхуд бир гуруҳ одамлар ҳақида материаллар йиғиш устида ишлайдиган биограф бўлмоғи керак. У, бу материалларни таснифлашнинг мураккаб техникасини ўзлаштириб олмоғи, одамларнинг бошидан ўтган юз миллионлаб турли-туман ҳаётий воқеалар ичидан айни мана шу биттасини ажратиб олмоқ учун айрим олинган ҳар бир ҳолатга мос келувчи айрича услугуб қўлламоғи, айрича ёзиш тарзини кашф этмоғи лозим”[2,100].

Ўзбек адабиётида биографик метод асосида яратилган асарлар ичидан Нодир Норматовнинг “Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти” роман-эссе алоҳида ажралиб туради. Н.Норматов нафақат ёзувчи, балки тасвирий ва амалий санъат бўйича кўплаб мақолалар ёзган, тадқиқотлар олиб борган санъатшуносҳамдир. Қолаверса, муаллиф асар қаҳрамони Рўзи Чориев билан кўп ҳамсуҳбат бўлган, сафарларда унга

Ҳ.Худоймуродова – ТерДУ, тадқиқотчи.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

ҳамроҳлик қилган. Н.Норматовнинг китоб сўнггида ёзган хотираларидан маълум бўладики, рассомнинг умрининг охирги кунларида ҳам унинг ёнида бўлган, унинг васиятларини ҳам бажарган. Рўзи Чориев ўз васиятини амалга оширишни Н.Норматовга топширади, унга ишонади. Чунки адаб унга бир томондан ўз туғишган яқинидай бўлиб қолган бўлса, иккинчи томондан ҳар икки ижодкор ҳам Сурхондарёнинг Шеробод туманидаги Пошхурт қишлоғида туғилган. Бу нарса ҳам уларни янада боғлаб, яқинлаштирганига шубҳа йўқ.

Китобда Рўзи Чориевнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти очиб берилган. Мазкур асарнинг яратилишининг сабабини Н.Норматов шундай изоҳлайди: "... Кунларнинг бирида Рўзи ака шундай деб қолди:

— Кўп учрашувларда менга, айниқса, болалар қандай қилиб рассом бўлдингиз, дейишиади. Уларга ўқиш-ўрганиш орқали рассом бўлдим, дейман. Тинимсиз чизганим шу даражада рассом қилиб тарбиялади, дейман... Аммо бу гаплар етарли эмаслигини ичимда сезиб тураман. Биргалашиб бир китоб ёзсангу, шу китоб уларнинг саволларига жавоб бўлса...

Бу гап туртки бўлиб, рассомнинг санъатга, ҳаётга доир фикру мулоҳазаларини ёза бошладим. Аввалига Рўзи ака номидан ёзмоқчи бўлдим. Кейин, қарасам, унга ўзимнинг ҳам рассом ҳақида билганларим, эшитгану кузатганларим оқиб кира бошлади. Натижада, асар рассом ҳамда муаллиф нуқтаи назаридан ташкил топди. Муддао: учинчи бир нуқтаи назар – ўқувчининг санъат ҳақида, ҳаёт ҳақида янгича бир нигоҳи, фикри пайдо бўлди, муҳими шу" [3,4].

Муаллиф фақат рассомнинг биографиясини қуруқ баён этиш йўлидан бормайди. Адаб рассомнинг болалик чоғларидан тортиб то вафотига қадар бўлган ҳаётини акс эттирап экан, хотиралар, у билан сұхбатлари ва унинг ён дафтаридан қайдларидан фойдаланади. Асаддаги воқеалар бир-бирини тўлдиради. Гоҳ рассомнинг хотиралари, сұхбатлари ёки фикрлари, гоҳ адабнинг кузатишлари, билганлари, гувоҳ бўлганлари берилади. Лекин улар қоришиб ёки чалкашиб кетмайди. Рассом асарларининг яратилиш

тарихи ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди. Булар рассомнинг хотира ва сұхбатлари орқали баён этилади. Муҳими, "Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти" китобхонни зериктирмайди. Роман-эссе Рўзи Чориевнинг яхлит портрети намоён бўлади.

Роман-эссе уч қисмдан иборат. Биринчи қисм "Камалак яшайдиган уй", деб номланади. Унда рассомнинг болалиги, устозлари, илк санъатга кириб келиши ҳақидаги хотиралари, болалик қийинчиликлари тасвирланган. "Рассомнинг сўнгги кунлари", деб номланган қисмда Рўзи Чориевнинг ҳаёт ва санъат ҳақидаги қарашлари, фикрлари, сафар таассуротлари акс эттирилади.

Китобнинг учинчи қисми – "Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти"да рассомнинг вафотидан кейинги воқеалар, у ҳақидаги замондошларининг хотиралари, қайдлар келтирилган.

Муаллиф асар охирида шундай ёзади: "Рўзи Чориев ҳақидаги ҳикояларимга хотима сифатида шуни алоҳида таъкидлаб ўтишинистардим: гоҳида хәёлимдан "У бошқа бир оламдан – эртаклар оламидан келиб қолган эмасмикан", деган фикр ўтади. Бундай дейишимга сабаб, аввало унинг завқ-шавқа тўла эҳтироси, гўзалликни илғаб олишга чанқоқлиги, битмас-туганмас ғайрат билан ижод қилиши бўлса керак. Гоҳида унга қараб туриб, ҳозир у гўзаллик нималигини унутиб кўйган одамлар орасига қуюн сингари кириб келади-да, гулдурос овози билан ҳайқириб: "Эй одамлар! Қаранглар, ҳаёт қанчалик гўзал! Санъат қанчалик гўзал! Ҳар бирингиз қанчалик гўзалсиз! Буни сира ёддан чиқарманглар! Шошилинглар, бир-бирларингизга ғаниматсизлар! Ҳар бир ижодкорнинг вазифаси шу ҳақиқатни кишиларга асарлари, ўз ҳаёт тарзи билан эслатиб туришдан иборат!" деяётгандек бўлаверади" [4.181]. Муаллифнинг бу характеристикасида Рўзи Чориев характеристининг энг муҳим жиҳатлари санъатни ва табиатни севиши, унга ошифта эканлиги ифодаланган.

Н.Норматовнинг "Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти" биографик романининг биринчи қисми, асосан, диалог шаклида ёзилган. Сұхбатдошлар – рассом ва роман муаллифининг ўзи. Шунинг учун ҳам муаллифнинг ўзи ҳам тарихий прототипга эга

бўлган роман қаҳрамонларидан бирига айланди.

Романда диалогларда ҳам муаллиф рассом биографияси ва асарлари, санъат оламининг нафис дунёси ҳақида кенг маълумот берган. Муаллиф фақат маълумотларни қуруқ баён қилиш йўлидан бормайди. Балки уни жонли, образли қилиб тасвирлайди. Китобхон кўз ўнгидаги қаҳрамоннинг ҳаёти кенг ракурсда намоён бўлади.

“Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти”да адаб мактуб усулидан унумли фойдаланган. Унда, асосан, Рўзи Чориевнинг хотини Марина га, дўстлари ва бошқа шахсларга ёзишмалари берилган. Шунингдек, рассом шахсий қоғозлари орасидан топилган, турли даврда ёзилган бошқа одамларнинг мактублари ҳам романга киритилган. Мана унинг хотинига ёзган мактубидан бир парча: “Азизим Марина! Ҳозиргина қўлимга қалам олиб, ёзишга тутиндим-у, хат ёзишни ҳам унтиб юборганимга иқрор бўлдим... Мен йўлда кела туриб тойиб йиқилдим. Болдири суягим синибди. Ҳозир Хумсон қишлоғига

элтувчи йўл устидаги кичик қишлоқда, бир табибининг уйида даволанаётган. Унинг айрим рецептларини ёзиб олдим. Энг муҳими, бу ерда анча қораламалар қилдим. Бўлажак картиналаримга деталлар иғаятман.

Ташвишланма, ҳозир соғлиғим яхши.

Салом билан Рўзи” [4,103].

Мактуб орқали адаб рассомнинг санъат, ижод йўлидаги машақкатларини ҳам китобхонга етказади.

Рўзи Чориев –табиат ошифтаси. Бу, унинг барча асарларида яққол кўринади. Н.Норматов рассом билан бир неча бор сафарга чиқкан. Адаб қаҳрамоннинг бир қанча асарлари яратилиши жараёнига гувоҳ бўлган. Романда бу ҳақда ҳам тасвирларга дуч келамиз.

Умуман, китоб ўқувчини зериктирмайди. Китобхон асар воқеалари билан бирга яшайди, рассом билан хаёлий сұхбат қуради. Умуман олганда, “Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти”да машҳур рассомнинг бутун ҳаёти бор бўй-басти билан тасвирланган.

#### Адабиётлар:

- 1 Карим. Б. Рухият алифбоси. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.
- 2 Стоун И. Биографик қисса ҳақида (Оксфорд университетида ўқилган маъруза) // Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида (Озод Шарафиддинов таржималари). – Т.: Маънавият, 2010.
- 3 Норматов Н. Таассуротнинг рангин эшиги // Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти. – Т.: Санъат, 2008.
- 4 Норматов Н. Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти. – Т.: Санъат, 2009.

(Тақризчи: Х.Жўраев – филология фанлари доктори.)